



152

QAROR

2007 йил "14" июл

№ 678-қ

Нуробод шаҳри ҳудудидан бозор
қурилишига ер ажратиш тугрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 июндаги «Бозорларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, истеъмол товарларини чакана сотишни ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этиш, бозорларда савдо фаолиятини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар тугрисида»ги йиғилиш баёни ижросини таъминлаш ҳамда Нуробод шаҳри Ўзбекистон кучаси ҳудудидан бозор қуриш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод шаҳри Ўзбекистон кучаси ҳудудидан 0,4 га ер майдони бозор қурилиши учун ажратилсин.
2. Туман бош меъмори Р.Файзиевга бозор қурилиши учун танланган ер майдонини аниқлаш, барча тегишли техник шартларни йиғиш, лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда қурилиш ишларини амалдаги қонунлар асосида бажарилишини назорат қилиш топширилсин.
3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари З.Ғиёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ж.Х.Ибрагимов